

Патронаж хизматини ташкил қилиш бўйича
ШАРТНОМА № 33401/2022/01/ 2

« 2 » апрел 2022 йил

Урганч шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ-4298-сонли қарори билан тасдиқланган дастур ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сонли қарори билан тасдиқланган “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби” асосида иш кўрувчи Урганч шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда **АБКМ** деб юритилади) номидан марказ директори М.Сапаев бир томондан ва патронаж хизматини ташкил қилиш бўйича ташаббускор (кейинги ўринларда **буюртмачи-иш берувчи** деб юритилади) номидан Урганч шаҳар Тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси номидан иш кўрувчи бош шифокори А.А.Рахимов иккинчи томондан мазкур шартномани туздик.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ-4298-сонли қарори билан тасдиқланган дастур 28-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2019 йил 24 майдаги 40-2019-ққ ва 06-14/151-сонли) қўшма қарори доирасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимга эга ижтимоий ходим бириктирган ҳолда, ҳафтасига 40 соатлик иш режимида патронаж хизматини ташкил этиш, ушбу хизматга жалб қилинганларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан маблағ билан таъминланиши белгиланган.

Патронаж хизмати кўрсатиладиган 2 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларга патронаж хизмати ташкил қилиш учун, уларнинг ижтимоий ва соғлиги ҳолати ҳамда уларнинг тиббий ижтимоий эҳтиёжига қараб, тиббий билимга эга ижтимоий ходимларни фуқаровий шартнома асосида ишга ёллаш, уларнинг меҳнатига қуйидаги ҳисоб-китоб асосида ҳақ тўлаш юзасидан шартнома тузилди.

Патронаж хизмати кўрсатилаётган шахс стационар даволанишга ётқизилганда, хизмат кўрсатиш вақтинча, вафот этган ҳолларда патронаж хизмати кўрсатиш шу кундан тўхтатилади.

Патронаж хизмати кўрсатиладиган сони	Иш ўрни (штат) сони	Ойлик маоши (базавий ЭКИХ 5 баробари)	Кутилаётган жами харажат
2	2	1 350 000	2 700 000

Кутилаётган харажатлар тўлиқ ҳажмда, яъни 100% миқдорида Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади. Шартномани умумий суммаси Жамғарма маблағлари ҳисобидан январ ойига 2 700 000 (икки миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади.

Буюртмачи-иш берувчи АБКМ йўлланмаси асосида патронаж хизматида қатнашиш учун юборилган фуқароларни тақдим этилган буюртмага асосан ёши 18 дан катта бўлган, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тиббиёт билим ва малакага эга бўлган шахсларни йўллайди.

Буюртмачи-иш берувчи Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан йўлланган иш изловчиларни амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ишга қабул қилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

АБКМнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- Иш берувчининг буюртмасига асосан белгиланган тартиб асосида ишсиз деб эътироф этилган ва иш изловчи сифатида рўйхатга олинган тиббий билимга эга иш изловчиларни патронаж хизматида йўлланма асосида юборади;

- ҳар ойнинг 15-санасига қадар тадбирда қатнашган фуқаролар учун тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг 50 фоизини тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Иш берувчининг **бюджетдан ташқари** газначилик шахсий ҳисобварағига ўтказиб беради;

- ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтган ой учун тадбирда қатнашганлар учун тўланиши лозим бўлган иш ҳақи бўйича харажатлар тўлиқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг Иш берувчининг **бюджетдан ташқари** газначилик шахсий ҳисобварағига ўтказиб беради.

- патронаж хизмати жараёнини жойига чиқиб мониторинг ўтказиш, бунда лозим ҳужжатларни ўрганиш учун талаб қилиш ва нусха олиш, амалдаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланганда, қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришни талаб қилиш ва/ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш;

- тўлов учун тақдим қилинган ҳужжатларда хато ва камчиликлар аниқланган ҳолатда тўлов учун қабул қилмаслик;

- патронаж хизматини ташкил қилиш жараёнида тиббиёт соҳаси ва молиявий соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари сўзсиз бажарилишини талаб қилиш;

- қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Буюртмачи-иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- тақдим этилган буюртмага асосан АБКМ томонидан йўлланма асосида юборилган шахсларни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш ишларига жалб қилади;

- жалб қилинган фуқаролар бўйича меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлайди;

- ҳар ойнинг 15-санасига қадар тадбирда қатнашган фуқароларга иш ҳақларидан бўнак (аванс) тўлаш учун табель, иш ҳақи ҳисоблаш ведомости ва маблағ ажратиш юзасидан АБКМга мурожаат этади;

- ҳар ойнинг 2-санасига қадар ўтган ой учун тадбирда қатнашган фуқароларга иш ҳақларини тўлаш учун табель, бажарилган ишлар далолатномаси ва иш ҳақи ҳисоблаш ведомостини АБКМга тақдим этади;

- тадбирда қатнашган шахсларни иш ҳақларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаб беради;

- Патронаж хизмати кўрсатилаётган шахс стационар даволанишга ётқизилганда, хизмат кўрсатиш вақтинча, вафот этган ҳолларда патронаж хизмати кўрсатишни шу кундан тўхтатиш, беркитилган ходимлар билан меҳнат муносабатларини тўхтатиш ва бу ҳақда АБКМга ёзма хабар бериш;

- АБКМ томонидан йўлланган иш изловчилар бўйича меҳнат қонунчилиги асосида ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаган ҳолларда, меҳнат шароитлари бўйича ўзаро келишув амалга ошмаган ҳолларда ва бажариладиган иш бўйича иш изловчининг соғлиги талабга жавоб бермаган ҳолларда ишга қабул қилишни рад этиш;

- АБКМ йўлланмаси асосида патронаж хизматида жалб қилинган ходимлар муддатидан олдин меҳнат шартномасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинганда, бу ҳақда 3 кунлик муддатда АБКМга ёзма хабар беради.

- қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

III. БОШҚАЛАР

Шартномада кўзда тутилмаган ва форс-мажор ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

Патронаж хизматини ташкил қилишда томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган мажбуриятлари бўйича тегишли тартибда жавобгар бўлади.

Шартнома бўйича юзага келадиган низоли ҳолатлар ўзаро музокара йўли билан ҳал қилинади, агар ҳал қилиш имкони бўлмаган АБКМ жойлашган ҳудуд бўйича иқтисодий судларда кўриб чиқилади.

Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма тартибда томонлар тасдиқлаган ҳолда киритилади.

Шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга, шартнома газначилик органларида рўйхатга олинган кунда шартнома шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади, лекин ушбу муддат шартнома имзоланган молия йилининг 31 декабридан кўп бўлмаслиги керак.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

УРГАНЧ ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ КўП ТАРМОҚЛИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИ	УРГАНЧ ШАҲАР АҲОЛИ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШ МАРКАЗИ
Манзил: Урганч ш. И.А.Каримов кўчаси 49-уй Ш.х/р: 401422860334017072110034001 СТИР: 203475905 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ягона Ҳазначилик ҳисоб варағи Х.Р: 23402000300100001010 Банк: Марказий банк Тошкент шаҳри МФО: 00014 СТИР: 201122919 ОКОНХ: 26100 Телефон: _____ Бош шифокор: _____ А.Рахимов М.Ў. _____ « » 20 й	Манзил: Урганч шаҳар И.Досов кўчаси 26-уй Ш.х/р: 301410860334017104102141001 СТИР: 202642856 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ягона Ҳазначилик ҳисоб варағи Х.Р: 23402000300100001010 Банк: Марказий банк Тошкент шаҳри МФО: 00014 СТИР: 201122919 ОКОНХ: 97600 Телефон: 224-12-39 Директор: _____ М.Сапаев М.Ў. _____ « » 20 й

Юрисконсулт: _____
